

Курбонов Жавлонбек Журабекович,
ТМИ доценти, PhD
Султанова Севара Акмал қизи,
ТМИ магистранти

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ МОЛИЯСИ ВА УНДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Мақолада акциядорлик жамиятлари молияси, давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар, акциядорлик жамиятларида давлат ва хусусий инвесторлар иштироки ҳолати таҳлил қилинган ва улар бўйича илмий асосланган хуносалар берилган.

Калим сўзлар: акциядорлик жамияти, давлат, корпоратив молия, давлат улуши, хусусий акциядорлик жамияти, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари.

The article analyzes the finance of the joint stock companies, the financial relations between government and joint-stock companies, the participation of public and private investors in joint-stock companies activity and the article has scientifically-based conclusions.

Key words: joint-stock company, state, corporate finance, state-owned share, private joint-stock company, state-owned joint-stock companies.

В статье анализируются финансы акционерных обществ, финансовые отношения между государством и акционерными обществами, участие государственных и частных инвесторов в деятельности акционерных обществ, а также заключаются научно обоснованные выводы.

Ключевые слова: акционерное общество, государство, корпоративные финансы, государственная акция, частное акционерное общество, государственные акционерные общества.

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида акциядорлик жамиятларининг ўрни жуда каттадир. Чунки, акциядорлик жамиятлари мулкчилик шаклдаги корхоналар ичida фаолият кўлами ва савдо айланмалари бўйича энг йирик корхоналардан бири бўлиб ҳисобланади. Акциядорлик жамиятлари аҳолини иш билан таъминлаш ва халқаро молиявий муносабатларни амалга оширишда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Акциядорлик жамиятлари молияси корпоратив молиянинг асосий ва ажralmas қисми бўлиб ҳисобланади. Маълумки, корпоратив молия молия тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Шундан келиб чиқсан ҳолда акциядорлик жамиятлари бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек – “Иқтисодиётни бошқаришда давлат аралашувини кескин камайтириш лозим. Бугунги кунда мамлакатимизда 603 та акциядорлик жамияти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 486 тасида давлат улуши 52 триллион сўмни ташкил этмоқда” [1]. Акциядорлик жамиятлари молиясини тадқиқ этиш ва

унда давлат иштироки ҳолатини аниқлаш, ҳамда бу бўйича илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиши бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масаланинг ҳал этилиши ўз навбатида акциядорлик жамиятлари молиявий муносабатларини самарали ташкил этиш ҳамда уларда давлат иштироки даражасини оптималлаштириш юзасидан хулосалар ишлаб чиқишида муҳимдир. Бу эса ўз навбатида мазкур тадқиқот мавзуси долзарб эканлигини ва бу бўйича илмий тадқиқтлар олиб бориш бўйича эҳтиёж юқори эканлигини ўзида акс эттиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Акциядорлик жамиятлари молиясини самарали ташкли этиш ва уларда давлат иштирироки даражасини оптималлаштириш ҳар бир даврда долзарб мавзулардан бўлиб келган. Шу сабабли, бугунги кунга қадар акциядорлик жамиятлари молиясини такомиллаштириш, молиявий ресурслар жалб қилишда қимматли қоғозларнинг ўрни, молиявий муносабатларини самарали ташкил этиш юзасидан иқтисодчи олимлар томонидан қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Қуйида ушбу масала юзасидан алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Америкалик иқтисодчи олимлар Р.Брейли ва С.Майерснинг илмий тадқиқот ишларида йирик компанияларда молиявий муносабатлар ва уларни самарали ташкил этиш, корпоратив молия принциплари ва улардан фойдаланиш тартиби, корпоратив молиявий инструментларнинг назарий асослари тадқиқ этилган [5].

Франциялик иқтисодчи олимлар П.Верниммен, П.Куири, М.Даллочио, Я.Фур ва А.Салвилар ҳам йирик компанияларнинг молияси самарали ташкил этиш, корпоратив молиянинг концептуал асослари тадқиқ этилган [3].

С.Э.Элмирзаев томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида акциядорлик жамиятлари инвестицион фаолиятини самарали ташкил этиш, инвестицион жозибадорлигини оширишнинг назарий асослари, мамлакатимиз худудлари кесимида акциядорлик жамиятлари сони ва улар томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар миқдори бўйича таҳлилий маълумотлар илмий тадқиқ қилинган [9].

Н.Р.Турсунова томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида акциядорлик жамиятларида молиявий таъминотни самарали ташкил этиш, хусусан, корпоратив облигациялар, IPO ва SPO ўтказиш орқали акциялар савдоларини ташкил этиш орқали акциядорлик жамиятларида молиявий таъминотни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган ва бу бўйича илмий хулосалар чиқарилган [6, 7].

С.А.Ақрамов томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибадорлигини ошириш йўллари, бунда асосан, фонд биржасида акциялар савдосини самарали ташкил этиш орқали акциядорлик жамиятларига молиявий ресурслар жалб қилишнинг самарали йўллари тўғрисида илмий хулосалар ишлаб чиқилган [4].

Мамлакатимизда ушбу масалалар бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, лекин акциядорлик жамиятлари молиясини самарали ташкил этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятида давлат иштироки масалалари бўйича тадқиқотлар мамлакатимиз миқёсида етарли даражада олиб борилмаган. Мазкур илмий тадқиқот ишимиз мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари молиясини самарали ташкил этиш бўйича олиб борилаётган умумий илмий тадқиқотлар мазмунини янада бойитишига хизмат қиласди.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида акциядорлик жамиятлари молиясини самарали ташкил этиш, давлат иштирокидаги ва хусусий акциядорлик жамиятларининг сўнгги йиллардаги ҳолати, корпоратив молия бўйича иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари, корпоратив молиявий муносабатларни таҳлил қилиш ва илмий хулосалар шакллантиришда тизимли ёндашув, статистик, қиёсий таҳлил ҳамда гурухлаш ва таққослаш усусларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Акциядорлик жамиятлари молияси корпоратив молиянинг бир қисми бўлғанлиги сабабли, унинг моҳиятини тушунишда аввало корпоратив молияга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиқсан ҳолда қуйида корпоратив молияга алоҳида тўхталиб ўтамиз. Умумий молиявий муносабатларда корпоратив молия муҳим ўрин эгаллайди. Корпоратив молиянинг иқтисодий моҳиятини тадқиқ этар эканмиз, бу хусусидаги хорижий мамлакатлар ва ўзбекистонлик олимларнинг илмий қарашлари ўзига хос хусусиятга эга.

Корпоратив молия бўйича айрим олимларнинг илмий қарашлари 1-жадвалда келтирилган. Унда корпоратив молия бўйича олимларнинг таърифларини кўришимиз мумкин. Корпоратив молиянинг иқтисодий моҳиятини ёритишда Р.Брейли ва С.Майерслар компания бизнес қийматига, П.Верниммен, П.Куири, М.Даллочио, Я.Фур ва А.Салвилар пул маблағларининг вақт бўйича қийматига, Ю.Чеботарь молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнида юзага келадиган пулли муносабатларга катта эътибор қаратганлар. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.Элмирзаев эса корпоратив молия бўйича таъриф берар экан, унда, асосан, корпоратив тузилмалар молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида юзага келадиган барча пулли молиявий муносабатларга ҳамда Н.Турсунова корпоратив тузилмалар фаолиятида юзага келадиган молиявий муносабатларга эътибор қаратган. Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган иқтисодий таърифлар битта иқтисодий категорияга нисбатан берилган бўлсада, лекин шаклан турлича мазмунга эга. Бу эса корпоратив молиянинг иқтисодий моҳиятини англашда муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ўз навбатида, корпоратив молия бўйича такомиллаштирилган, юқоридаги таърифларни мазмунан ўзида мужассамлаштурувчи таърифни шакллантириш тақозо этилади.

Корпоратив молия бўйича иқтисодчи олимлар илмий қарашлари


Муаллифлар	Муаллифларнинг илмий қарашлари
Хорижий иқтисодчи олимлар	
Америкалик иқтисодчи олимлар Р.Брейли, С.Майерс	Корпоратив молия – компания бизнес қийматини оширишга йўналтирилган пулли муносабатлардир, корпоратив молиянинг бош мақсади эса компания бизнес қийматини максималлаштириш [5].
Франциялик иқтисодчи олимлар П.Верниммен, П.Кури, М.Даллочио, Я.Фур, А.Салви	Корпоратив молия, бу – пул оқимлари ва бойликни кўпайтириш концепцияларига таянади, корпоратив молияда энг асосий масала пул маблағларининг вақт бўйича қийматларини аниқлаш ҳамда компания капиталини ошириш ҳисобланади [3].
Россиялик иқтисодчи олим Ю.Чеботарь	Корпоратив молия (корпорация молияси) хўжалик субъектлари ва (ёки) уларнинг бирлашмалари молиявий ресурсларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнида юзага келадиган пулли муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради [8].
Маҳаллий иқтисодчи олимлар	
С.Элмирзаев	Корпоратив молия корпоратив тузилмалар молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида юзага келадиган барча пулли молиявий муносабатлар тизимини англатади. Бунда корпоратив тузилма доирасида пул фонdlарини шакллантириш ва тақсимлаш, улардан фойдаланиш жараёнлари корпоратив молиянинг асоси сифатида хизмат қиласи [2].
Н.Турсунова	Корпоратив молия эса бевосита корпоратив тузилмалар фаолиятида юзага келадиган молиявий муносабатларни қамраб олади [7].

Манба: Муаллифлар томонидан тайёрланди

Ўзбекистонда сўнгги йилларда корпоратив муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қатор ислоҳотларда белгиланган устувор вазифларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда фикримизча, корпоратив молия деганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг корпоратив шаклдаги тузилмаларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадга эришиш ҳамда таъсисчилар капиталини оширишни таъминлаш учун турли пул фонdlарини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлик пулли муносабатлар йиғиндиси тушунилади.

Акциядорлик жамиятлари молияси моҳияти ҳам айнан корпоратив молиянинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади. Чунки, акциядорлик жамиятлари корпоратив молиянинг асосий обьекти ва йирик корпоратив тузилалардан бири бўлиб ҳисобланади. Акциядорлик жамиятлари молиясини молиявий муносабатларда яққол кўришимиз мумкин. Акциядорлик жамиятларининг молиявий муносабатлари кенг қамровли молиявий муносабатларни ўз ичига олиб, ушбу молиявий муносабатларда акциядорлик жамиятларининг давлат билан ўзаро молиявий муносабатлари муҳим ўрин эгаллайди.

Давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги молиявий муносабатлар умумий молия тизимининг энг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, бундай муносабатлар ўз ичига солик, мажбурий ажратмалар, давлат инвестициялари, давлат қимматли қофозлари, лицензиялаш, давлат хариди, жарима ва санкцияларниң қўлланилиши ҳамда бошқа муносабатларни ўз ичига олади (1-расм).




1-расм. Давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар¹

Манба: Муаллифлар томонидан тайёрланди

Юқоридаги 1-расмда кўриниб турибдики, акциядорлик жамиятларининг давлат билан ўзаро молиявий муносабатлар гуруҳларига корпоратив тузилмаларниң давлат бюджетига соликлар тўлаш билан боғлиқ молиявий муносабатлар, бюджетдан ташари мақсадли фондаларга мажбурий ажратмаларни тўлаш билан боғлиқ молиявий муносабатлар, давлат ва корпоратив харидларни амалга ошириш билан боғлиқ молиявий муносабатлар, стратегик аҳамиятга эга бўлган акциядорлик жамиятларини давлат бюджети ҳисобидандан молиялаштириш, турли хил инвестициялар киритиш билан боғлиқ молиявий муносабатлар, корпоратив тузилмалар устав капиталида давлатнинг иштирок этиши билан боғлиқ молиявий муносабатлар, қимматли қофозлар операцияларини ташкил этиш билан боғлиқ молиявий муносабатлар, корпоратив тузилмалар фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш билан боғлиқ молиявий операциялар, акциядорлик жамиятларига айrim ҳолатларда жарима ва санкциялар қўллаш билан боғлиқ ва бошқа молиявий муносабатлар киради.

¹ Муаллиф томонидан тайёрланди.



2-расм. Давлат ва хусусий акциядорлик жамиятлари сонининг ўзгариш динамикаси

Манба. www.openinfo.uz ва www.deponet.uz сайт маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

2-расм маълумотларига кўра шуни таъкидлашимиз мумкинки, сўнгги икки йил давомида акциядорлик жамиятлари сони 620 тадан 600 тагача камайган. Бунда давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари 481 тадан 464 тага камайган бўлса, хусусий акциядорлик жамиятлари 139 тадан 136 тага камайган. Бунга асосий сабаб сифатида ўтган йиллар давомида мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида акциядорлик жамиятларининг бирлашиши, акциядолик жамиятларининг ёпилиши ва бошқа мулк шаклларига айлантирилганлигини алоҳида таъкидлашимиз мумкин. Шунингдек, акциядорлик жамиятларида давлат иштирокининг юқорилигига асосий иккита сабабни келтиришимиз мумкин, биричидан, давлат иштироидаги акциядорлик жамиятларини хусусийлаштириш жараёнларининг жуда секинлиги ва иккинчидан, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари устав капиталини давлат томонидан капитализация қилишга кенгроқ эътибор қаратиб келинаётганлиги билан изоҳлашимиз мумкин. Биз, иккинчи сабабни ижобий баҳолаймиз, чунки давлатнинг акциядорлик жамиятларини молиявий қўллаб-қувватлаш келгусида улар фаолиятини ривожланишига олиб келади, аммо биринчи сабаб бўлган хусусийлаштириш жараёнларининг секинлиги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини қўллашга тўсқинлик қиласи. Шунингдек, акциядорлик капиталининг ҳам асосий қисми давлатга тегишли эканлиги молия бозорида акциялар савдосининг ривожланишига тўсқинлик қиласи. Аксарият акциядорлик жамиятларида асосий таъсисчи сифатида давлат туради. Мамлакатимизда қимматли қофозлар бозорини ривожлантиришимиз учун авваламбор акциядорлик жамиятларида таъсисчилар сонини кўпайтириш ва диверсификация

қилишимиз лозим. Шу орқали давлат инвестиция сиёсати орқали акциядорлик жамиятлари фаолияти ривожланишига таъсир кўрсат олади деб ўйлаймиз.

Маълумки, мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида давлатнинг иштироки турличадир. Бу эса ўз навбатида, давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро инвестицион ҳамкорликларнинг турлича бўлишини акс эттиради. Шу сабабли ҳам давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро инвестицион ҳамкорлик муносабатларини чуқурроқ ўрганиш ва бунда акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат иштироки даражасини чуқурроқ ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятларини устав капиталидаги давлатнинг улушига кўра гурухларга ажратамиз ҳамда уларда давлат улушининг ўртача миқдори хусусида тўхталиб ўтамиз (2-жадвал).

Кўйида келтирилган 2-жадвалда мамлакатимизда давлат иштироки мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларининг устав капиталида давлат улушининг миқдори ҳар 25% оралиғига эга бўлган акциядорлик жамиятлари сони, уларда умумий устав капитали миқдори ҳамда улар бўйича давлат улушининг ўртача миқдори келтирилган.

2-жадвал

Давлат иштироки турлича бўлган акциядорлик жамиятлари ва уларда умумий устав капитали (05.01.2017 йил ҳолатига)²

№	АЖларда давлат улуси бўйича оралиқлар	АЖ лар сони	АЖларининг умумий УК (млрд. сўм)	АЖларининг умумий УКда давлат иштироки (млрд. сўм)	АЖларнинг УКда ўртача давлат улуси (%да)
A	B	C	D	E	G = E/D*100%
1	25% гача	19 та	719,85	104,09	14,46%
2	25% дан 50% гача	23 та	2478,37	1182,15	47,70%
3	50% дан 75% гача	68 та	1648,44	1064,05	64,55%
4	75% дан 100% гача	25 та	6008,21	5767,11	95,99%
5	100%	23 та	13713,07	13713,07	100%
ЖАМИ		158 та	24567,94	21830,47	88,86%

Манба. www.openinfo.uz ва www.deponet.uz сайт маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

Ушбу жадвал 2017 йил 5 январь ҳолати бўйича шакллантирилган бўлиб, мазкур жадвал маълумотларига мувофиқ, давлат иштироки 25% гача бўлган акциядорлик жамиятлари сони 19 тани ва улардаги умумий устав капитали миқдори 719,85 млрд. сўмни ташкил этади ҳамда уларнинг умумий устав капиталидаги давлатнинг улуси 104,09 млрд сўм ёки ўртача 14,46% ни

² www.openinfo.uz – (Корпоратив ахборот ягона портали расмий веб сайти) ва www.deponet.uz (Марказий депозитария расмий веб сайти) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

ташкил этади. Давлат иштироки устав капиталида 25-50% оралиғида бўлган акциядорлик жамиятлари сони 23 тани, умумий устав капитали миқдори 2478,37 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу 23 та акциядорлик жамиятлари устав капиталида ўртacha давлат улуши 47,7%ни ёки 1182,15 млрд. сўмни ташкил этади. Мамлакатимизда 68 та акциядорлик жамиятларининг устав капиталида давлат иштироки 50-75% оралиғида бўлиб, ушбу акциядорлик жамиятларининг умумий устав капитали миқдори 1648,44 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу акциядорлик жамиятларининг умумий устав капиталида давлат улуши ўртacha 64,55%ни ташкил этади. Давлат иштироки устав капиталида 75-100% оралиғида бўлган акциядорлик жамиятлари сони 25 тани, умумий устав капитали миқдори 6008,21 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу акциядорлик жамиятлари устав капиталида ўртacha давлат улуши 95,99%ни ёки 5767,11 млрд. сўмни ташкил этади. Шунингдек, мамлакатимизда 23 та акциядорлик жамиятларида давлат иштироки 100% ни ташкил этиб, уларнинг умумий устав капитали миқдори 13713,07 млрд. сўмни ташкил этади. Шундай қилиб мамлакатимизда 158 та акциядорлик жамиятларидан 116 тасида давлат улуши 50% дан ортиқни ташкил этади. Ушбу акциядорлик жамиятларида умумий устав капитали миқдори 21369,72 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу миқдорнинг 20544,23 млрд. сўм қисми, яъни 96,14% и давлатга тегили бўлиб ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Акциядорлик жамиятлари молияси корпоратив молиянинг асосий ва ажралмас қисми бўлиб, бугунги кунда бунга эътибор кучайиб бормоқда. Чунки, акциядорлик жамиятлари молиясининг самарали ташкил этилиши, ўз навбатида мамлакатимиз молия тизими барқарорлигини таъминлашда ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим ўрин эгаллади.

Корпоратив молия бўйича муаллифлик таърифимизнинг иқтисодий фанлар бўйича дарсликларга киритилиши, корпоратив молия бўйича талабаларнинг билимлари янада ортиши ва уни тушунишларига қулай имконият яратади.

Мамлакатимизда хусусий акциядорлик жамиятлари сонини қўпайтириш лозим, чунки, хусусий акциядорлик жамиятларининг қўпайиши ўз навбатида молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш самарадорлиги ошишига ҳамда давлат бюджетига солиқлар тушумининг ортишига хизмат қиласади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси (www.press-services.uz).
2. Elmizrayev S.E. Korporativ moliya. O‘quv qo‘llanma. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2015. 272 bet, 5-bet.
3. Pierre Vernimmen, Pascal Quiry, Maurizio Dallocchio, Yann Le Fur, Antonio Salvi. Corporate Finance: Theory and Practice. Copyright . 2005 John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England. 1032 p., 29th page.
4. Акрамов С.А. Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш йўллари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2017 йил.
5. Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов / Пер. С англ. Н.Барышниковой. – М.:ЗАО “Олимп-Бизнес”, 2014. – 1008 с.
6. Турсунова Н.Р. “Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари” мазусида иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация Автореферати.
7. Турсунова Н.Р. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари. Монография. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2017. – 152 б., 9-бет.
8. Чеботарь Ю.М. Корпоративные финансы и корпоративный контроль: монография /— М.: Автономная некоммерческая организация «Академия менеджмента и бизнес-администрирования», 2016 — 250 с.
9. Элмирзаев С.Э. Акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибадорлигини таъминлашнинг айрим масалалари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил (<http://www.interfinance.uz/en/arxiv/225-maqola1-2017>)
10. <http://www.openinfo.uz> – Корпоратив ахборот ягона портали расмий веб сайти.
11. <http://www.deponet.uz> – Кимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси расмий сайти.
12. <http://www.uzse.uz> – “Тошкент” РФБ веб сайти маълумотлари.